

“Тасдиқлайман”

“Янги авлод” МСЗ

бошқарувчи компанияси МЧЖ

Бош директор в.в.б.

Ф. Абдусоломов

2026 й.



**Тошкент шаҳар Янгиҳаёт туманида жойлашган  
“Янги авлод” махсус саноат зонаси ички автомобил йўл-транспорт  
инфратузилмасини барпо этиш” обектининг 3-босқичини қуриш бўйича**

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**



№	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Буюртмачи	<p>“Янги авлод” махсус саноат зонаси бошқарувчи компанияси МЧЖ Тошкент шаҳри, Янги ҳаёт тумани, Викор МФЙ, Спутник 2 даҳаси, 25-А-уй  ИНН: 311235950  ОКЭД: 70100  Р/С: 20208000107044984001  Банк: “НАҲОТ BANK” АЖ  МФО: 01198  ОКРО 33547707</p>
2	Лойиҳани амалга ошириш учун асос	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 мартдаги ПҚ-138-сонли қарори.  Тошкент шаҳар ҳокимининг 2024 йил 25 апрелдаги 276-14-0-Q/24 - сон қарори.  Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 ноябридаги 731-сонли қарори.</p>
3	Молиялаштириш манбалари	Буюртмачини ўз маблағлари ҳисобидан.
4	Лойиҳачи ташкилот номи	"SANGZOR PROJECT INVEST" МChJ
5	Қурилиш жойи	Тошкент шаҳри, Янгиҳаёт тумани “Янги авлод” махсус саноат зонаси.
6	Қурилиш тури	Янги қурилиш
7	Қурилиш объектнинг мураккаблик тоифаси	Объектнинг мураккаблик тоифаси - III (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.11.2023 йилдаги 619 - сонли қарорига асосан).
8	Объектнинг лойиҳавий қуввати	<p>“Янги авлод” махсус саноат зонаси ички автомобил йўл-транспорт инфратузилмасини барпо этиш 2-босқич” лойиҳасининг иш ҳажмлари электрон шаклида келтирилган қуйидаги:  <b>ТРАССА-1, ПК0+16,5 - ПК4+50;</b>  <b>ТРАССА-3, ПК8+50 - ПК26+62;</b>  <b>ТРАССА-4, ПК0+00 - ПК4+00;</b>  <b>ТРАССА-5, ПК0+00 - ПК20+27,40;</b>  <b>ТРАССА-6, ПК0+00 - ПК9+25;</b>  <b>ТРАССА-10, ПК0+00 - ПК23+50;</b>  <b>ТРАССА-15, ПК6+75 - ПК30+61;</b>  <b>ТРАССА-17, ПК0+00 - ПК16+66;</b>  <b>МАХАЛЛИЙ ЙУЛ-2, ПК0+00 - ПК2+79;</b>  <b>қисмларида:</b>  <b>Тасдиқланган ва келишилган ишчи лойиҳаларга мувофиқ</b> локал ресурс қайдномаларида белгиланган цемент билан ишлов берилган, мустаҳкамлиги бўйича 75 маркага мувофиқ келадиган шағал-қум аралашмаларидан (ГОСТ 23558) асос қурилмаси, калинлиги h=20см; Ҳар 1000 м<sup>2</sup> майдонга 0,2 тн. битум эмульсиясини сепиш (тўкиш); Йирик донали шағалли (гравийли) аралашмадан, БНД-60/90 маркали битум қўлланган, иссиқ ҳолда ётқизиладиган ғовак асфальтобетон (I марка) қопламасининг пастки қопламасини қуриш, калинлиги h=9см.; Д-530x8мм ўлчамли металл қувурларни ўрнатиш; сунъий иншоотлар (галерейная труба 2x2м) ўрнатиш ишларини бажариш.  <b>ТРАССА-7:</b>  Ер ишлари, қум-шағал аралашмасидан асос қуриш, ЛК-6 новларини ўрнатиш, цемент билан ишлов</p>

№	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
		<p>берилган, мустаҳкамлиги бўйича 75 маркага мувофик келадиган шағал-кум аралашмаларидан (ГОСТ 23558) асос қурилмаси, қалинлиги h=20см; Ҳар 1000 м<sup>2</sup> майдонга 0,2 тн. битум эмульсиясини сепиш (тўкиш); Йирик донали шағалли (гравийли) аралашмадан, БНД-60/90 маркали битум қўлланган, иссиқ ҳолда ётқизиладиган ғовак асфальтобетон (I марка) қопламасининг пастки қопламасини қуриш, қалинлиги h=9см.; Д-530x8мм ўлчамли металл қувурларни ўрнатиш ишларини бажариш.</p> <p>Барча трассаларда алоқа ва видеокузатув тизими лойиҳаси асосида кабель трассалари билан йўл кесишмаларига Д273x6мм темир қувур ғилофларни (кожух) ўрнатиш ишларини амалга ошириш.</p>
9	Обектнинг чегаравий нархи	57 863 642 364,00 сўм ҚҚС билан, 51 663 966 396,00 сўм ҚҚСсиз.
10	Қурилиш ишларини тугатиш муддати	Пудратчи томонидан пудрат шартномаси тузилган кундан бошлаб 140 календар куни.
11	Обектни молиялаштириш тартиби	Бўнак-30% (2 ой 15% дан) жорий молиялаштириш — бажарилган ишларнинг ҳажмидан 95% миқдорида, ажратиб берилган бўнакни пропорционал равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда; қурилиш ишлари яқунлангач ва қафолат муддати тугагандан сўнг 5% миқдорида.
12	Пудратчига техник ва бошқа ҳужжатларни топшириш бўйича талаблар	Пудратчига белгиланган тартибда тасдиқланган ва келишилган ишчи лойиҳанинг чизмалари, иш ҳажмларининг электрон шакли (МС Эхел форматида) тақдим этилади.
13	Хавфсизлик ишлари шартлари	Норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиш. Обектда ёнгин хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва санитария-гигиена режимига риоя қилиш учун жавобгарлик пудратчига тегишли бўлиб, жавобгарлик буйруқ билан белгиланади, буйруқ нусхаси буюртмачига берилади. Пудратчи шартнома имзолангунга қадар шартнома шартлари бўйича ишларни бажаришда қурилиш таваккалчилигини суғурталаш шартномасини тузиши ва буюртмачига шартноманинг нусхасини тўловни тасдиқловчи ҳужжат билан тақдим этиши шарт.
14	Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талаблари	Амалдаги ме'ёрий ҳужжатларга атроф-муҳит учун (ЗВОС) ишчи лойиҳаси талабларига асосан.
15	Қабул қилинаётган лойиҳа қарорларининг энергия самарадорлигини та'минлаш бўйича талаблар	Қурилиш монтаж ишларини амалга ошириш даврида энергия тежамкор ускуналардан фойдаланиш.
16	Назорат талаблари ва иш натижаларини топшириш тартиби	<p>қурилишда иштирок этувчи ишлар раҳбарлари қуйидагиларга мас'улдирлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- амалдаги қурилиш материаллари сифатини назорат қилиш;</li> <li>- бажарилаётган та'мирлаш ишлари сифатини тезкор назорат қилишни та'минлаш;</li> <li>- та'мирлаш ишларини ишлаб чиқаришда технологик интизомга риоя этилишини текшириш;</li> <li>- яширин ишларни ўз вақтида бажариш;</li> </ul>

№	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
		<p>- барча турдаги та'мирлаш ишлари учун ижро ҳужжатларини назорат қилишни та'минлаш;  - келишилган жадвалларда назарда тутилган муддатларда та'мирлаш ишларини бажариш;  - текширув натижалари бўйича қўшимча ишлар ҳажмини аниқлаш ва нуқсонлар қайдномаларини, далолатномаларини тузиш.</p> <p>Бажарилган ишларни қабул қилиш буюртмачи томонидан тайинланган комиссия томонидан, ушбу топширик ва ЛШ(Лойиха смета ҳужжатлари) да кўзда тутилган алоҳида ва барча ишларни тугатгандан сўнг – КМК 3.01.04-04 "Тугалланган қурилиш лойиҳаларини қабул қилиш. Асосий қоидалар" асосида амалга оширилади ва тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилади.</p>
17	Иш сифати кафолатларининг ҳажми ва муддати бўйича талаблар.	<p>Барча ишларни ушбу лойиҳага мувофиқ қурилиш қоидалари ва ишларни ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва қабул қилиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.</p> <p>Пудратчи ишни технологик хариталарга мувофиқ амалга оширади.</p> <p>Қурилиш ишларини олиб боришда моддий зарар етказилган тақдирда, буюртмачи ва пудратчи 3 кун ичида текшириш актини тузиши ва зарарни қоплаш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.</p> <p>Давлат комиссияси далолатномаси расмийлаштирилгандан сўнг бажарилган ишлар учун камида 1 (бир) йил кафолат мажбуриятларини бериш муддати.</p>

Қурилиш ишлари ва коммунал  
хизматларини мувофиқлаштириш  
департаменти директори

Қурилиш ишлари ва коммунал  
хизматларини мувофиқлаштириш  
департаменти муҳандиси

К. Абдуллаев

У. Адхамов